

## Макдоналдс Россияда ҳалол бургерларни тайёрлашга рози



15:30 / 06.04.2021 2351

Макдоналдс ва Мираторг томонидан ташкил этилган онлайн пресс-тур давомида Россиядаги Макдоналдс сифат менежери Владислав Соломатов компания истеъмолчи хоҳласа, сабзавот ва ҳалол гўшти маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тайёрлигини айтди. Бу ҳақда [islam.ru](http://islam.ru) манбаси хабар берди.

Экспертнинг таъкидлашича, компания мижозларнинг сўровларини диққат билан кузатиб боради ва агар бу ўринли бўлса, исталган вақтда ушбу тенденцияга ўтишга тайёр.

Компания ҳалол аккредитациядан ўтган, шу жумладан, араб мамлакатларига гўшт маҳсулотларини етказиб беради.

«Агар бизнинг истеъмолчиларимизда бундай маҳсулотларга талаб мавжуд бўлса, унда биз Ҳалол сертификатини олиш имкониятини кўриб чиқишга тайёرمىз. Ҳозирча биз ишлаб чиқаришда ушбу принципларга риоя қилмаймиз. Аммо бизнинг мижозларимиз, айниқса ҳалол маҳсулотларга эҳтиёж катта бўлган минтақаларда бундай илтимос бўлса, биз бу йўналишда ишлашга тайёرمىз. Биз бу борада жуда мослашувчанмиз», - дея хулоса қилди Владислав Соломатов.

***Хуршид Маъруф тайёрлади***